

**Энергияни ҳисобга олиш приборлари
ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

Истеъмол чининг(су бистеъмол чи-нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилга ни	Ҳисобга олиш прибори тури (актив, реактив), (номинал ток)	Ҳисобга олиш прибори раками	Ҳисобга олиш прибори клемма кошқоғидаги пломбанинг Корхо на- нинг	Ҳисобга олиш прибори нинг шартнома тузилган қўлдаги кўрсаткич лари		Ҳисоб киتاب коэф фици нти	Ҳисобга олиш приборин инг шартнома тузилган қўлдаги кўрсаткич лари	Тариф тури сумма/ 1 кВт.с.
				Ҳисобга олиш приборининг трансформаци я коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг трансформаци я коэффициенти			
				Ток	Кулча ниш			

Имзолар:



Корхона:
Ташкент вилояти Қорхоналарни қўриқув ва тартиб-аъён қилиш бўлими



ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолнинг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона вакиллари ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун итўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсуус тартибда етказиб берилувчи истеъмолчилар 0,2 фоиз) миқдориди, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлик истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча олинган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдорда тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.